



## **XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMANI KENGASHI QARORI**

2021 - yil 15 - oktabr

VI-31-70-3-43-K/21

Arnasoy tuman hokimligi

**Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан вилоят маҳаллий бюджетидан ажратилган ссуда маблағларини қайтариш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев)га вилоят бюджетидан ажратилган ссуда маблағларининг бир қисмини вилоят бюджетига қайтариш учун туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 204,0 млн.сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исматов ҳамда туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Мухиддиновга ажратилган маблағни вилоят маҳаллий бюджетининг тегишли шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб бериш

вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари З.Исматов зиммасига юклатилсин.

**Ноким**



**Ҳ.Алимарданов**